



«6» январ 2020 йил

№ 7

Данғара шаҳарчаси

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги
ПҚ-4555-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон, вилоят ҳокимининг 2020 йил 3 январдаги 1-сон, Халқ депутатлари Данғара тумани Кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги “Данғара туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги V-LXIII-224-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6,25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон, вилоят ҳокимининг 2020 йил 3 январдаги 1-сон, Халқ депутатлари Данғара тумани Кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги “Данғара туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги V-LXIII-224-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Давлат бюджетининг илк бор қонун кўринишида тасдиқланиши ҳамда мазкур қонун ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биринчи даражали харажатларни, давлат дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш борасида жавобгарлигини оширишни, манбаси аниқ бўлмаган тадбирларни амалга оширмаслик ҳамда бюджет интизомини янада қатъийлаштириш талаб этилиши;

Қонунга кўра, маҳаллий бюджетлар харажатлари ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилари, яъни бошқарма ва идоралар кесимида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тасдиқланиши

белгиланганлиги;

янги таҳрирдаги Солиқ кодексда солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилганлиги, замонавий усулларни қўллаган ҳолда хорижий амалиётда синалган солиқ назорати шакллари жорий этилганлиги, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилганлиги;

солиқ-бюджет сиёсатиغا стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги “натижага йўналтирилган бюджет” тизимини жорий этилиши кўзда тутилганлиги;

2020 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш хақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлиги;

2020 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори-ойига **679 330 сўм;**

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори-ойига **238 610 сўм;**

энг кам ёшга доир пенсиялар-ойига **466 680 сўм;**

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа-ойига **466 680 сўм;**

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа **ойига 286 390 сўм** миқдорида белгиланганлиги;

солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари, тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент (лицензия) тўловлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда қўлланиладиган базавий ҳисоблаш миқдори-**223 000 сўм миқдорида ўзгаришсиз қолдирилганлиги;**

2020 йилда солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган мол-мулк солиғи суммаси 2019 йилда ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 баробаридан ортиқ оширилмаслиги;**

янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари бўлган юридик шахслар томонидан ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Усмонов, туман Молия бўлими (К.Латипов), Давлат солиқ инспекцияси (А.Турғунбоев), тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш, солиқлар йиғилиши даражасини ошириш, мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали

тегишли бюджет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

янги тахрирдаги Солиқ кодексининг мазмун ва моҳиятини солиқ тўловчиларга тушунтириш ҳамда амалиётга жорий қилишни кўзда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш;

биринчи навбатда молиялаштириладиган (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар) харажатларини ўз вақтида молиялаштириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни, биринчи навбатда, олдинги йиллардан ўтувчи объектларни ишга туширишга йўналтириш чораларини кўрсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Усмонов, Давлат солиқ инспекцияси (А.Турғунбоев) бюджет даромади прогноз кўрсаткичларини ортиқча тўланган ва ундирилган солиқ суммалари ҳисобига бажарилишига йўл қўймасликлари бўйича қатъий огоҳлантирилсин.

2020 йил 1 январдан ортиқча ундирилган солиқ суммаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган ставкада фоизлар тўлаган ҳолда қайтариш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилган солиқлар бўйича-Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан;

Қорақолпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, туман ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилган солиқлар бўйича-тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан;

бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланган солиқлар бўйича - тегишли бюджетлар ҳисобидан уларга ажратмалар меъёрига мутаносиб равишда амалга оширилиши белгиланганлиги назарда тутилсин.

5. 2020-2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий йуналишларига кўра, бюджет жараёни иштирокчиларини, бюджет маблағларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш, бюджет маълумотларининг очиклиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш, бюджет жараёни устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш назарда тутилганлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

6. 2020 йилда бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш қуйидаги ҳолларда тақиқлансин:

молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаса;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари (ишчи лойиҳа, иш ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатлари) сиз ёки лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрлаш, яъни параллел равишда олиб бориш;

пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларни тендер (конкурс) ўтказмасдан (“Давлат харидлари тўғрисида”ги) Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида назарда тутилган бўлмаса) танлаб олиш асосида;

мазкур бандда кўрсатилган бюджет интизоми қоидаларига риоя қилиниши устидан вилоят ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари, тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари шаҳар ва туманлар ҳокимларининг шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Туман қурилиш бўлими (Б.Мелиқўзиев), туман Молия бўлими (К.Латипов) ва туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Н.Йўлдошев) Давлат солиқ инспекцияси (А.Турғунбоев) билан биргаликда бир ой муддатда қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш, қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, ёлланма ишчиларнинг норасмий фаолиятини легаллаштиришга қаратилган асосланган таклифларни туман ҳокимлигига киритилишини таъминласин.

8. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Усмоновга:

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга амалдаги қонунчилик талабларига зид равишда зарар етказилмаслигини таъминлаш;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан чиқариладиган қарорлар халқ депутатлари туман Кенгаши билан келишилиши ҳамда зарарларни қоплашда маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши юзасидан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. 2020 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотларининг:

миллий валютадаги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби фақат Ягона ғазна ҳисобварағида юритилиши;

вақтинча бўш турган миллий валютадаги маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш, уларнинг сўровлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда электрон аукцион орқали амалга оширилиши;

тижорат банклари депозитларига 2020 йилгача жойлаштирилган миллий валютадаги маблағлари депозит муддати тугагандан сўнг, муддат узайтирилмасдан Ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилади. Бунда тижорат банклари депозитларига кредит ресурси сифатида мақсадли жойлаштирилган

маблағлар мазкур ресурс ҳисобига берилган кредитлар сўндирилгандан сўнг Ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

10. Туман тиббиёт бирлашмаси (Ш.Турсунов), Халқ таълими бўлими (А.Содиқов), Мактабгача таълим ташкилоти (Х.Тўракулов), Маданият бўлими (Ж.Аъзамов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (Н.Умаров), Адлия бўлими (М.Хайдаров), Молия бўлими (К.Латипов) билан биргаликда уч ой муддатда даволаш ва профилактика муассасаларида, “Баркамол авлод” марказларида, болалар мусиқа ва санъат мактабларида, спорт муассасаларида, давлат маданият муассасаларида, ветеренария бўлинмаларида, шунингдек, адлия органларида пуллик хизматлар кўрсатиш амалиётини ўрганиб чиққан ҳолда аҳолига янада қулайлик яратиш, пул тушумларининг шаффофлигини ошириш юзасидан туман ҳокимлигига асосланган таклифларни киритсин.

11. Туман Молия бўлими (К.Латипов) томонидан бюджет маблағларини келгуси уч йил учун ажратиладиган бюджет маблағлари чегараланган миқдорларини ва бюджетлараро трансфертлар миқдорларини ҳар йили 15 июнга қадар етказиш тартиби жорий этилсин.

12. Туман Молия бўлими (К.Латипов) маҳаллий бюджетлар маблағларининг сарфланиши, шунингдек, туман бюджетидан маблағ олувчи бюджет маблағлари тақсимловчилари томонидан уларга ажратилган бюджет маблағларидан манзилли ва самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

13. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Туман Молия бўлимининг 2019 йилги маҳаллий бюджет харажатларини 2-иловага мувофиқ аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

15. Туман ҳокимининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши таъминлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 майдаги 120-сонли қарори ижроси юзасидан туман ҳокимининг қарори қабул қилинмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими:



С.Аминжонов